

МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗО

ЖАҲОННОМА

Достон

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)1

Ҳ-19

Ҳайдар, Муҳаммад Мирзо

Жаҳоннома: дoston / М.Ҳайдар Мирзо; таржимон ва нашрга тайёрловчи Ҳ.Солиҳова. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 92б.

ISBN 978-9943-27-050-3

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо “Тарихи Рашидий” номли машҳур ме-муар асари билан ўзбек мумтоз адабиётида муносиб ўрин эгаллаган.

Шоирнинг “Жаҳоннома” дostonи ҳам тилининг равонлиги, тарихий воқеаларга бойлиги, фалсафий мушоҳадага йўғрилганлиги билан ўзига хос.

Шоир “Жаҳоннома” дostonида подшоҳ Шохсувор, шаҳзода Ферузшоҳ каби образлар орқали ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитини, халқ ҳаётини ёрқин ифодалаб беради.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)1

Таржимон ва нашрга тайёрловчи:

ҲАНИФА СОЛИҲОВА,

филология фанлари доктори, профессор,
шоира

ISBN 978-9943-27-050-3

© Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, «Жаҳоннома». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

XVI аср ўзбек мумтоз адабиётида муносиб из қолдирган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо талантли шоир бўлиши билан бирга, ҳарбий саркарда ва қобилиятли жамоат арбоби эди.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо 1499 йилда Тошкентда, Муҳаммад Ҳусайн Ҳайдар Мирзо оиласида дунёга келган. Унинг онаси шоҳ Бобурнинг онасига сингил бўлади, яъни Бобур Мирзо билан Ҳайдар Мирзолар холаваччалардир. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг онаси Ҳуб Нигор хоним Тошкентда вафот этгач, отаси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон уни Ҳиротга олиб кетади. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг илк савод чиқариш даври, хат машқ қилишлари 1506–1509 йилларга тўғри келади. У Ҳиротнинг адабий-маданий ҳаётидан яхши хабардор бўлиб, шу муҳит таъсирида пишиб етилади. Отаси Ҳиротда Ҳайдар Мирзони Ҳофиз Мирим исмли тақводор, ҳафизини Қуръон, мўмин ва камсуқум алломага ўқишга беради. Устози Ҳофиз Мирим Ҳайдар Мирзога Қуръонни ёқимли овозда қироат қилишни, насхтаълик хатида яхши ёзишни ўргатган эди. 1509 йилда Шайбонийхон Ҳайдар Мирзонинг отаси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонни яширинча қатл эттиради. Унинг жасади Ҳиротдаги Амир Саид Ҳусайн Саодат қабристонида дафн этилган.

Ота-онасидан айрилган Ҳайдар Мирзо 1512 йилда Қобулга – шоҳ Бобур ҳузурига келади. Бобур тўққиз яшар Муҳаммад Ҳайдар Мирзога ота ва устоз сифатида раҳнамолик қилиб тарбия берган эди. Султон Саидхон илтимосига кўра, Ҳайдар Мирзо унинг даргоҳига келади ва тарбиясини олишга муяссар бўлади. Ўсмир Ҳайдар Мирзо Андижонда камолга етди. Саройдаги муҳим кенгашларда қатнашиб, давлат арбоблиги ва ҳарбий ишлар сирларини ўрганди. 1541 йили хон унга ўз синглиси – Аҳмадхоннинг қизи Муҳиб Султонни жуфти ҳалол қилиб беради ва кўрагонлик мартабасига муяссар қилади. Садоқатли, ғайратли, билимдон Муҳаммад Ҳайдар Мирзо кейинчалик Шарқий Туркистоннинг Ёркент ҳудудида Саидия давлатига асос солган ҳукмдор Султон Саидхонга 24 йил беминнат хизмат қилди. Саидия

салтанатининг вазири ва ҳарбий қўмондони сифатида лашкар тортиб, Тибет қалъалари ва Кашмиргача бўлган жойларни Султон Саидхон тасарруфига ўтказди.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо 1533 йил июл ойигача, Султон Саидхон оламдан кўз юмгунга қадар унинг хизматида бўлди.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Кашмирни эгаллаб, у ерда ўн йил подшолик қилди. 1551 йилда маҳаллий исёнлардан бирини бостириш пайтида ярадор бўлиб, вафот этди. Ҳозирда унинг қabri Кашмирдаги Сиринагор (султонлар мазори) қабристонидадир.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ижоди осмонда чақнаб турган юлдуздек XVI аср адабий-маданий ҳаётида чарақлаб турган. У ижодкор сифатида “Тарихи Рашидий” асари билан ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўрин олган.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари XV асрнинг иккинчи ярми ҳамда XVI асрда Марказий Осиёда ва Яқин Шарқда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни адолат мезонлари асосида ёритгани, муаллифнинг ўзи тасвирлаган воқеалар юзасидан теран фикр-мушоҳадаларини ифодаллагани айтиш ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам биз Муҳаммад Ҳайдар Мирзони энг аввал тарихнавис, саркарда ҳамда ўз замонининг йирик давлат арбоби сифатида таниймиз. Ҳолбуки, ундан Бобур халқаро экспедицияси саъй-ҳаракати билан чоп этилган “Тарихи Рашидий” асари билан бирга, “Маҳмуднома” ва “Жаҳоннома” дostonлари ҳам мерос бўлиб қолган. Яъни Ҳайдар Мирзо ижодий фаолияти нафақат тарихчилар, балки адабиётшунослар учун ҳам ўрганиш объектидир.

“Тарихи Рашидий” мемуар асар бўлиб, унда ўзбек мумтоз адабиётида мемуар асарларга қўйиладиган талабларга тўла амал қилинган. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида мемуар асарларда тарихий воқеалар кўпинча бадиий тил воситасида ифодаланади, бадиий лавҳалар ва шеърлар уларга янада сайқал беради. XVI аср ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаёти манзараларини ўрганишда “Тарихи Рашидий”нинг аҳамияти “Бобурнома”дан кам эмас. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо асарлари ўзининг ижтимоий-эстетик аҳамияти билан, оламни ва одамни бадиий-фалсафий тушуниши ҳамда тушунтириши билан

бошқа ижодкорлар ижодидан ажралиб туради. Табиат, жамият ҳодисалари, руҳий олам сир-синоатларини идрок ва ифода қилишдаги образлилик, ҳаётий деталларнинг ёрқинлиги, шеърининг сатрларнинг маънодорлиги, серқийёслилиги билан онгимизни, руҳимизни маънан бойитиб, XVI аср манзарасини тўла идрок қилишимизда ёрдам беради.

“Тарихи Рашидий” 1541–1546 йилларда ёзилган. Ҳайдар Мирзо ўз китобига “Тарихи Рашидий” деб ном қўйган, “Рашидий” “рушуд” сўзидан ясалган бўлиб, “ҳақ йўлига тушган”, “тўғри эътиқодга суянган” деган маъноларни билдиради. Китоб Султон Саидхоннинг ўғли Абдурашидхон номига битилган.

Ҳайдар Мирзо китобнинг ёзилиш тарихи ҳақида: “Чунки мен уларга замондош эдим – ўша вақтларда бўлиб ўтган воқеалар баён қилинди. Бу фақир бандасини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз пок нияти билан мўғул хонлари доирасида чиқариб, мени мумтоз ва бадавлат мустақил арбоб қилди. Мен билан бир қавмда бўлган амаким, тоға, аммаю холаларнинг фарзандлари бўлган мўғул хон ва хоқонлари томонидан менга нисбатан ёмонлик, мухолифат ва келишмовчиликлар содир этилди. Уларнинг кўнгиллари шунчалик қаттиқки, менинг исмим “Ҳайдар”, маъноси ҳаёт, тириклик эканлигини била туриб, менга ўлим тилайдилар”, – деб ёзган эди.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзбек қушчи тахаллуси билан шоир сифатида ҳам танилган бўлиб, ижодий меросидан маълум қисми бизнинг давримизгача етиб келган. Унинг талантли шоир эканлиги тарихчи Маҳмуд Журоснинг “Тарих” асаарида ёзилган. Достонда мумтоз адабиёт анъанасига кўра Аллоҳга, пайғамбар ва унинг чориёрлари фазилатларига бағишланган ҳамду саного олтмиш мисра қасида бағишланган. Достоннинг ёзилиш сабаблари 160 мисрада баён қилиниб, сўнг 32 мисрада шоир ички ҳиссиётлари ифодаланади. “Жаҳоннома” достонининг асосий қисми 2398 мисрада ифодаланган.

Ҳайдар Мирзо “Жаҳоннома” достонини ёзишда фольклор эртак ва достонларидаги сюжетлардан фойдаланган. Достондаги Шаҳриёр, Шаҳсувор, Ферузшоҳ, Маликзода, Паризод, Раъно, вазир Салим каби образлар давр воқелигига мос равишда ўз ифодасини топган. Зеро, XVI аср ада-

биётида воқеликнинг мазмуни ва ғоясига мос келадиган эртаклардан фойдаланиш анъанага айланган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Маҳмуднома” ва “Жаҳоннома” каби достонлари бизгача етиб келган.

1533 йилда Тибетдаги ҳарбий юришдан қайтган Султон Саидхон касаллиги туфайли вафот этади. Унинг ўрнига катта ўғли Абдурашидхон тахтга ўтиради ва отаси Султон Саидхоннинг Ёркентдаги Саидия давлатига (1533–1570) ҳукмронлик қилади. Шу муносабат билан Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзбек қушчи қуйидаги шеърини сатрларни битган.

Соқий майи фарахбахчи туткум баҳор келди,
Ишрат замони етди, ул гулузор келди.

Аёзбек қушчи Абдурашидхоннинг тахтга ўтиришини баҳор фаслига, гўзаллик ташрифига ўхшатади; гул юзли шоҳнинг тахтга ўтириши билан хурсандчилик ҳам кириб келганини ёзади. Албатта, бу сатрларда шоирнинг янги соҳиб томонидан халқ ҳаётида янгилиниш, яшариш бошланишидан умидворлиги акс эттирилади.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзбек қушчининг бизгача етиб келган “Маҳмуднома” достони шоир ҳаётининг кейинги йилларида ёзилган дидактик асар бўлиб, унда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масалалари ўз ифодасини топган, ёшларга ўғит-насиҳатлар берилиб, замонасига нисбатан илғор фикрлар илгари сурилган.

Шоирнинг “Жаҳоннома” достони Ёркент хонлиги осмонида ёруғ юлдуздек чақнаб турган Абдурашидхон ҳақида бўлиб, унда муаллифнинг дунёқараши, сиёсий-ижтимоий, фалсафий фикрлари ёритилган. Достондаги асосий ижобий қаҳрамон шоирнинг ўзидир. Достон ҳижрий 939 (милодий 1533) йилда Бадахшонда ёзилган. Ҳайдар Мирзо Султон Саидхон билан Андижонга келганини эслаб шундай ёзади:

Хабардор бўлиб, бу ҳикояти эшит,
Ўшал вақтлар ким, бор эдим йигит.
Отадан-ота хон бари хон эрур,
То бўғинида келдим қадимий қули.

Нечукким гул-гул ўлса бўлур булбули,
Олиб ўлтириб Андижон мулкани,
Олай деб хаёли жаҳон мулкани.

Султон Саидхон Абобакр ҳокимиятини ағдариб, “Адолат бирла тахт узра ўтириб” иш олиб бораётган пайтда Бадахшондан чопар келиб, у ерда аҳвол оғирлиги, кишилар пароканда ҳаёт кечираётганлиги ҳақида хабар беради. Султон Саидхон Ҳайдар Мирзо билан Бадахшон юртига отланди. Ўша воқеа “Жаҳоннома” достонидаги қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган.

Ки воқеа бўлиб андоқ айём иши,
Келибон Бадахшон соридин киши.
Хабар берди: бисор қолибдур улус,
Бузуқликға кўнгил солибдур улус.
Ул элни алик олма, хон озиб,
Аср ўлғусидир фақиру ғариб,
Ўлур ул вилоятга ўзбек келиб,
Мени эл юбордилар андоқ билиб.
Эшитгач равон бўлди хон ул замон,
Бу қулиға дедиким: Равон бўл, равон.
Ки сендан хабар топсун эл бурунроқ,
Борур бизму элга қайдадир йироқ.
Равон бўлдим амри илоҳи билан,
Кириб йўлга фармон илоҳи билан.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзбек қушчи “Жаҳоннома” достонида элига, халқига, Ватанига туташган томирларида гупурган қоннинг ҳароратини, тўлқинли дақиқаларни ўзига хос услубда ифодалаб берган эди. Яна ўша достонида:

На кундуз кўнгилдан чиқар эди ғам,
На кеча эди уйқу ҳам.
Бу янглиғ қуйиб, ўртаниб ҳар кеча,
Фироқ ўти бирла ёниб ҳар кеча, –

деб ёзадики, бунда шоирнинг табиатга, инсонларга нисбатан меҳрибон, саховатли экани, кечаю кундуз инсонлар ташвиши билан яшагани англашилади. Айни пайтда, у инсон дунёнинг қисматларидан ҳоли бўлмаслигини теран ҳис қилади, ҳаётнинг қудратли қонунилари қаршисида инсон ожиз қолиши тўғрисидаги чуқур фалсафий қарашларини ифодалайди:

Гар замони солди фалак гардиши,
Ҳамиша Бобур элга онинг иши.
Ки ҳар ранг бирла бир жафо айлағай,
Жафоси бирла мубтало айлағай.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзбек қушчи узлуксиз равишда юз бериб турадиган олам гирдобидаги ўзгаришларни теран ҳис қилади, ҳаётнинг гўзал манзараси, хурсандчилик, висол иштиёқи мангу эмаслиги, аксинча, буларга ҳамиша жафо ва машаққат, қайғу ва ҳижрон эргашиб келишини яхши билади. Унинг мутгасил жангу жадаллар ичида кечган умри ва ижодий фаолияти бу ҳисни янада теранлаштиради. Тўлақонли умр кечирган шоирнинг мушоҳадалари гўзал сатрларда, бетакрор поэтик образларда ўзининг ёрқин ифодасини топади. Чунончи, “фалак жабр зулмидан тилим-тилим ёғочдан ясалган тахт бир замонлар яшнаган дарахт эмасми!? Фалак дардидан ичи қизил қонга тўлган тош қадоқ бир чоғларда Элбурс тоғининг устидаги юксакликда муаллақ турган эмасмиди! Демак, қилмишларидан ўт бўлиб ёнган жамнинг бир вақтлар эгасига қўшилиб эриб кул бўлганлиги ҳақиқат эмасми?..”

Аёзбек қушчи “Жаҳоннома” достонида подшоҳ Шаҳсувор, Шаҳзода Ферузшоҳ, вазир Салим, Малика Раъно каби персонажларнинг гўзал образини яратиш жараёнида уларнинг бошига келган ғам, қайғу, ҳижрон, ўлим саргузаштларини ўзи яшаб турган муҳитнинг, жамиятнинг аҳволига қараб баҳо беришга интилади. Оламнинг беқарорлигини, ўзи яшаб турган ҳаётнинг ҳам охири борлигини дostonнинг хотимасида шундай ифодалайди:

Бино бўлгани бу робот жаҳон.
Ўтарлар келиб тинмайин карвон.

Бириси хабардор эмаским қаён –
Борурлар на йўлу на манзил аён.
Бирин - бирининг орқасидан дам-бадам.
Азамат қилибон бўлурлар одам.
Хабардор эмас ҳеч улардан киши.
На бўлди экан уларнинг иши.
Туман менг бориб бири қайтмайди.
Бориб у тўлиб бу туганмайди, –

деб ёзиб, ўзининг алам, ҳасрат, қайғу ва ҳаёт тўғрисидаги қарашларини янада чуқурлаштириб, уни бадиий усулда ихчам хулосалайди.

Аёзбек қушчи ўзининг ҳаёт ҳақидаги фикрларини чуқур фалсафий онг билан ифодалаб беради. У ҳаётни севади, севгини улуғлайди, инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳрибонлигини, вафодорлигини, ҳаётнинг нақадар буюклигини ва унинг қадр-қимматини тасвирлаб беради.

Аёза ажаб ғафлат эмасми бу
Сен чоҳи бедор, чоҳи ййу.
Самант ҳаётинг азиматдадур.
Некам ҳосили ҳақдинг у отдадур.
Борур тинмайин неча манзил қолур,
Ўтарсану ғафлатда ҳосил қолур.
На вақти на соатки сендан бугун.
Ўтар улар эрур ул эмасдур у кун.
Йўқ эрса ўша вақт, соат турур
Ким ойу, йилу ҳар кун тун юрур.
Ўтардик кўринар сенга у вали.
Юрарлар жаҳондан сени сўргани.

“Жаҳоннома” достони мамлакатда адолат юргизиш, халққа яхшилик қилиш каби илғор мазмунларни ўз ичига олгани билан қадрлидир. Шоир ўзининг юқоридаги мисраларида умрни беҳуда ўтказмаслик, умрнинг ҳар бир дақиқаси, ой ва йилларнинг қадрли эканини ёзади.

Достонда шоир ҳар қандай мамлакатда адолатли иш юргизиш, халқни жабр-зулмдан озод қилиш, обод турмуш тарзини

илгари суриш, ҳар бир хонадонда мустаҳкам оила қуриш ҳақида бадиий умумлашмаларини ва фикр-мулоҳазаларини XVI аср ҳаёт тарзидан келиб чиқиб бадиий бўёқларда ифодалаб беради.

Шоир, саркарда Аёзбек қушчининг эртақ сюжет дostonи подшоҳ Шаҳсуворнинг ўз ўғли Ферузошохга қилган насиҳатлари баёни орқали нафақат ўтмиш воқеаларини тасвирлабгина қолмай, балки бугунги ёш авлодни тарбиялашда ҳам муносиб ўринга эга. Шу туфайли вазир Салим:

Неким банду зиндони бордур боринг
Қўйингки беринг анча сийму заррин.
Етиму, фақир, ғарибу, асир,
Тул, бева, чоҳи йигит чоҳи пир.
Беринг хилчату, ошу нону таом.
Қуруқ қолмасин бандаи хосу, ом.

деб айтганида Шаҳсувор унга жавобан:

Тузук тарих билан одил бунёд қил,
Адолат билан мулк обод қил.
Улус яхши хулқингдан бўлсин эсон,
Некам фитнадан мулкинг бўлсин омон.
Улус кўнгликим шоҳдан жамъи эрур,
На мақсудким бўлса тангри берур.
Оилозорлик пешаси шумдур.
На бўлгай дилозори маълумдир.
Бўлиб раҳмдил халқ ичини шод қил,
Дуода ҳар замон бизни ҳам ёд қил.

Аёзбек Қушчининг “Жаҳоннома” дostonи образларнинг мукамаллиги, тилнинг нафислиги, ифодалаш усулларининг ранг-баранглиги, бадиий юксаклиги билан ўзи яшаб турган аср ижтимоий-сиёсий ҳаётини фалсафий мушоҳадалар орқали ёрқин ифодалаб беради.

*Ҳанифа СОЛИҲОВА,
филология фанлари доктори, профессор.
Анджсон давлат университети*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2211> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2211> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2211>